

МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛИШ ИНСТИТУТИНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

Зафар Мамуржон ўғли ОХУНОВ

мустақил изланувчи

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Тошкент, Ўзбекистон

akhunov.z.m@gmail.com

Аннотация

Мақолада маъмурий жавобгарликдан озод қилиш институти илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган бўлиб, ушбу институтнинг моҳияти, мақсади ва аҳамияти ўрганилган ҳамда уни такомиллаштириш юзасидан асослантирилган илмий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: маъмурий ҳуқуқ, маъмурий жавобгарлик, маъмурий жазо, маъмурий жавобгарликдан озод қилиш, ижтимоий адолат, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, тарбиялаш, огоҳлантириш.

ТЕОРЕТИКО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ ИНСТИТУТА ОСВОБОЖДЕНИЯ ОТ АДМИНИСТРАТИВНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ

Зафар Мамурджон угли ОХУНОВ

независимый исследователь

Академия МВД Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

akhunov.z.m@gmail.com

Аннотация

В статье проведен научно-теоретический анализ института освобождения от административной ответственности, изучены сущность, цель и значение данного института, а также разработаны обоснованные научные предложения и рекомендации по его совершенствованию.

Ключевые слова: административное право, административная ответственность, административное наказание, освобождение от административной ответственности, социальная справедливость, предупреждение правонарушений, воспитание, предостережение.

Маълумки, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида маъмурий ҳуқуқнинг роли бекиёсдир. Маъмурий ҳуқуқнинг муҳим институтларидан бири — маъмурий жавобгарликдан озод қилиш

институти бўлиб, у инсонпарварлик принципи билан бирга ижтимоий адолатни ҳам таъминлашга хизмат қилади.

Бугунги маъмурий ҳуқуқбузарликлар сони ортиб бораётган бир даврда маъмурий жавобгарликдан озод қилиш институтининг аҳамияти янада ошиб бормоқда. Давлат у орқали нафақат жазолаш, балки тарбиялаш ва олдини олиш функцияларини ҳам амалга оширади.

Бироқ, ҳуқуқни қўллаш амалиётида бошқа ҳуқуқий институтлар каби маъмурий жавобгарликдан озод қилиш институтини қўллашда ҳам бир қатор муаммо ва камчиликлар юзага келмоқда. Шу сабабли бугунги кунда маъмурий жавобгарликдан озод қилиш институтининг илмий-назарий таҳлили, унинг моҳияти, мақсади ва аҳамиятини ўрганиш долзарб масалалардан биридир.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик ва айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига асосланади [1]. Айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи деганда, шахснинг содир этган хатти-ҳаракати қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида тан олинадиган бўлса, унга нисбатан маъмурий жавобгарлик қўлланилиши шартлигини тушунишимиз мумкин. Бироқ амалдаги қонунчиликда маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар муайян ҳолатларда жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги тўғрисидаги қоидалар ҳам мавжуд.

Маълумки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда маъмурий жавобгарликдан озод қилиш билан боғлиқ бир қатор нормалар мавжуд. Хусусан,

– ҳарбий хизматчилар ва интизом уставлари татбиқ этиладиган бошқа шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги (16-модда);

– махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги (17¹-модда);

– ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли маъмурий жавобгарликдан озод қилиш (21-модда);

– ярашилганлиги муносабати билан маъмурий жавобгарликдан озод қилиш (22²-модда);

– маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни истисно этувчи ҳолатлар (271-модда) [1]

Маъмурий жавобгарликдан озод қилиш маъмурий жавобгарлик институти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлашда, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни тарбиялашда, ижтимоий адолатни ўрнатишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Маъмурий жавобгарликдан озод қилиш институтининг ҳуқуқий табиати ҳақида ҳуқуқшунослар орасида турли фикрлар мавжуд. Айрим олимлар уни жиноят ҳуқуқидаги жавобгарликдан озод қилиш институтига ўхшаш деб ҳисобласа, бошқалар уни маъмурий ҳуқуқнинг ўзигагина тегишли институт сифатида кўради.

Бу борада Д.Н. Бахрах “маъмурий жавобгарликдан озод қилиш институти жиноят ҳуқуқидаги ўхшаш институтдан фарқ қилади, чунки у маъмурий ҳуқуқнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради” деб таъкидлайди [2], Д.Н. Бахрахнинг қарашларига шуни қўшимча қилиш мумкинки, маъмурий жавобгарликдан озод қилиш институти маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг хусусиятлари, уларнинг жамият учун хавфлилик даражаси ва маъмурий жазоларнинг мақсадидан келиб чиқиб шаклланади.

Ҳуқуқий жавобгарликдан озод қилиш институти давлат мажбурлови ва жазодан воз кечиш кўринишидаги ҳуқуқий рағбатлантиришнинг махсус шакли сифатида намоён бўлади. Ҳуқуқий рағбатлантириш сифатида намоён бўлар экан, у нафақат ижобий ҳаракатларни рағбатлантиради, балки билвосита ҳуқуқбузарнинг ўзини ҳам, бошқа шахсларни ҳам ноқонуний, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлардан тийилишга мажбур қилади [9]. Бу эса,

маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликнинг ҳуқуқбузарликларни олдини олиш борасида ўз ўрнига эга эканлигини кўрсатади.

Маъмурий жавобгарликдан озод қилиш институтининг ижтимоий зарурати ва моҳиятини англаш, келгусида ушбу институтни тадқиқ этиш юзасидан самарали илмий тадқиқот ишларини олиб боришга, унинг асослари, тартиби ва қўллаш механизмларини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Маъмурий жавобгарликдан озод қилиш учун нафақат ҳуқуқбузарликнинг мавжудлиги, балки унинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси паст бўлиши ҳам муҳимдир [4]. Бу эса маъмурий жавобгарликдан озод қилиш институтининг моҳиятини янада аниқроқ очиб беради.

С.Э. Чаннов маъмурий жавобгарликдан озод қилиш қуйидаги икки ҳолатда вужудга келишини таъкидлайди:

- қилмишда ҳуқуқбузарликнинг барча белгилари ва элементлари мавжудлигига қарамай, умуман ҳуқуқбузарлик деб тан олинмаганда;
- содир этилган қилмиш маъмурий ҳуқуқбузарлик деб топилиб бироқ ҳуқуқбузар жавобгарликдан озод қилинади [10].

Бироқ, бошқа олимлар И.П. Долгих ва А.Ф.Быстрынцевларнинг таъкидлашича, охирги зарурат ҳолатини жавобгарликдан озод этиш асоси сифатида баҳолаб бўлмайди. Чунки қонунчиликка кўра охирги зарурат ҳолатида содир этилган қилмиш маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланмайди. Шундай экан, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаган шахсни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисида сўз бориши бироз мантиқсиздир [5] Маъмурий жавобгарликдан озод қилиш ҳар доим маъмурий ҳуқуқбузарлик субъектига нисбатан татбиқ этилади. Бу ҳолатда маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлик факти мавжуд бўлиши шарт.

Маъмурий жавобгарликдан озод қилишнинг мақсади ҳақида сўз юритганда, ушбу институт фақат инсонпарварлик принципини амалга ошириш билан чекланмаслигини таъкидлаш лозим. Маъмурий жавобгарликдан озод қилиш маъмурий ҳуқуқнинг асосий институтларидан

бири ҳисобланади. Бу институтга бўлган эҳтиёж адолат, демократия, инсонпарварлик тамойилларини ҳаётга татбиқ этишдан иборат. Шунингдек, бу маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолати ҳисобланади [3].

Маъмурий жавобгарликдан озод қилишнинг асосий мақсадларини қуйидагича тизимлаштириш мумкин:

1. *Ижтимоий адолатни таъминлаш.* Маъмурий жавобгарликдан озод қилиш орқали ҳуқуқбузарликнинг оғирлиги ва шахснинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда адолатли қарор қабул қилиш имконияти яратилади.

2. *Маъмурий жазони индивидуаллаштириш.* Ҳар бир ҳолатда ҳуқуқбузарнинг шахси, ҳуқуқбузарлик содир этиш ҳолати ва оқибатларини ҳисобга олган ҳолда энг мақбул қарор қабул қилиш имконияти пайдо бўлади.

3. *Ресурсларни тежаш.* Кам аҳамиятли ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликка тортиш жараёнини ўтказмаслик орқали давлат органларининг вақти ва ресурсларини тежаш мумкин.

4. *Ҳуқуқбузарни ижтимоий реабилитация қилиш.* Маъмурий жавобгарликдан озод қилиш орқали ҳуқуқбузарга ўз хатосини тузатиш ва жамиятга мослашиш имконини беради.

5. *Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш.* Маъмурий жавобгарликдан озод қилиш институти орқали ҳуқуқбузарларни тарбиялаш ва уларнинг келгусидаги ғайриқонуний фаолиятининг олдини олиш мумкин.

Назарияда энг кўп мунозарага сабаб бўладиган ҳолатлардан бири маъмурий жавобгарликдан озод қилиш ҳамда маъмурий жазодан озод қилиш тушунчаларидир. Маъмурий жавобгарликдан озод қилиш ва маъмурий жазодан озод қилиш тушунчалари ўртасидаги фарқни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Айрим олимлар бу тушунчаларни синоним деб ҳисобласа, бошқалар уларнинг ўзаро фарқли жиҳатлари ҳақида таъкидлайди.

И.В. Максимов фикрича “маъмурий жавобгарликдан озод қилиш – бу шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлиги учун давлат номидан қораланишидан озод қилиш, маъмурий жазодан озод қилиш эса – шахсни

унга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган ёки қўлланилган маъмурий жазо чорасидан озод қилиш” [8].

Фикримизча, маъмурий жавобгарликдан озод қилиш кенгроқ тушунча бўлиб, у ҳуқуқбузарни нафақат маъмурий жазодан, балки маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик фактининг ҳуқуқий оқибатларидан ҳам озод қилишни назарда тутди. Маъмурий жазодан озод қилиш эса фақат жазо чорасининг қўлланилмаслигини англатади, аммо шахс маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган деб топилади. Ушбу фикр ҳар иккала тушунчалар ўртасидаги фарқни аниқ кўрсатиб беради.

Маъмурий жавобгарликдан озод қилиш институтини қўллашда унинг шартларига алоҳида эътибор қаратиш муҳимдир. Н.М. Жданов ва А.Н. Ждановалар маъмурий жавобгарликдан озод қилиш шартларини қуйидагича тавсифлашган:

- маъмурий ҳуқуқбузарликнинг мавжудлиги;
- уни содир этган шахсга нисбатан маъмурий жазо эмас, балки бошқа таъсир (интизомий ёки тарбиявий) чораларини қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги;
- ушбу ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни ҳал этишга ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш [6].

Бизнингча, юқоридаги шартлар умумий характерга эга бўлиб янада аниқлаштиришни ва такомиллаштиришни тақозо этади.

Юқоридаги таҳлиллар асосида маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тушунчасига қуйидагича муаллифлик таърифини таклиф этамиз:

Маъмурий жавобгарликдан озод қилиш – маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан суд ёки бошқа ваколатли органларнинг мансабдор шахслари томонидан қонунда белгиланган асослар мавжуд бўлганда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига кўра тайинланган ёки тайинланиши мумкин бўлган муайян ҳуқуқни чеклаш ёки

муайян мажбурият юклаш тарзидаги ҳуқуқий таъсир чорасининг бекор қилиниши.

Шунингдек, юқоридаги илмий таҳлиллар асосида маъмурий жавобгарликдан озод қилиш институтини қўллаш самарадорлигини ошириш учун қуйидагиларни жорий этиш таклиф этилади:

“Маъмурий жавобгарликдан озод қилиш” тушунчасининг таърифини ишлаб чиқиш ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда қайд этиш. Бу ушбу институтнинг мақсади ва моҳиятини янада аниқлаштиришга хизмат қилади.

Маъмурий жавобгарликдан озод қилиш асосларини кенгайтириш ва тизимлаштириш зарур. Масалан, ҳуқуқбузар томонидан ихтиёрий равишда етказилган зарарнинг ўрни қопланиши, ҳуқуқбузарликни биринчи марта содир этаётгани ҳамда содир этган қилмиши учун чин кўнгилдан пушаймонлиги каби ҳолатларни ҳам маъмурий жавобгарликдан озод қилишнинг асоси сифатида қайд этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Маъмурий жавобгарликдан озод қилишнинг қатъий мезонларини аниқ белгилаш лозим. Бу ушбу институтни қўллашда шаффофликни таъминлашга ва субъективликни камайтиришга хизмат қилади.

Маъмурий жавобгарликдан озод қилиш амалиётини доимий тарзда ўрганиш ва таҳлил қилиб бориш зарур. Бу орқали институтнинг самарадорлигини баҳолаш ва уни такомиллаштириш йўллари белгилаб олиш мумкин.

Маъмурий жавобгарликдан озод қилиш институти бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиётини умумлаштириш ва ягона ёндашувни шакллантириш лозим. Бу орқали турли ҳудудлар ва органлар ўртасида қарорлар қабул қилиш жараёнида юзага келаётган тафовутларни бартараф этиш мумкин.

Маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тушунчасини ишлаб чиқиш ҳуқуқий тизимнинг шаффофлиги, адолатли қарорлар қабул қилиш, давлат ресурсларини тежаш ва жамиятда қонун устуворлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Бу тушунчанинг аниқ ва тизимли тарзда қонунчиликда

мустаҳкамланиши орқали ҳуқуқий тенглик, адолат ва самарали ҳуқуқий бошқарув таъминланади.

Маъмурий жавобгарликдан озод қилишнинг ўзига хослиги унинг энгилроқ қонунбузарликларга қўлланилиши, шахсий ёндашув ва тарбиявий таъсир чоралари билан белгиланади. Бу институт жиноий жавобгарликдан фарқли ўлароқ, шахсларга жазо қўллаш ўрнига уларни тузатиш, қонунбузарликлардан сақланиш ва қонунга риоя қилишга ундовчи восита сифатида хизмат қилади. Маъмурий жавобгарликдан озод қилишнинг асосий мақсади – ижтимоий адолатни таъминлаш ва ҳуқуқбузарларни жамиятдаги нормал ижтимоий муносабатларга қайтаришдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Lex.uz
2. Бахрах Д.Н. Административное право России: Учебник. – Москва: Эксмо, 2011.
3. Бахрах Д.Н., Россинский Б.В., Старилов Ю.Н. Административное право: Учебник для вузов. – Москва: Норма, 2004.
4. Дугенец А.С. Административная ответственность в российском праве: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – Москва, 2005.
5. Долгих И.П., Быстрянец А.Ф. Административная ответственность: состояние и перспективы // Научный вестник Орловского юридического института МВД России имени В.В. Лукьянова. – 2018. – №2 (75). – С. 115-118.
6. Жданов Н.М., Жданова А.Н. Административная ответственность в СССР. – Москва: ВЮЗИ, 1985.
7. Кузмичева Г.А., Калинина Л.А. Административная ответственность: Учебное пособие. – Москва: Юриспруденция, 2000.
8. Максимов И.В. Административные наказания. – Москва: Норма, 2009.

9. Скакун О.Ф. Теория государства и права: Учебник. – Харьков: Консум; Ун-т внутр. дел, 2000.
10. Чаннов С.Е. Административная ответственность: Учебное пособие. – Москва: Ось-89, 2009.
11. Шергин А.П. Административная юрисдикция. – Москва: Юридическая литература, 1979.